

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 йил
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 йил 10 ноябрь, жума • СOTУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 45 (591) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Давра суҳбати

Ҳомийлик: ҳуқуқий рағбат ва имтиёз



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, «Адолат» СДП фракцияси ҳамда «Соглом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган «Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбатида қонун лойиҳасининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, ўтган йили, Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиллигида давлатимиз раҳбари «Кириб келаётган йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилар эканмиз, биз биринчи гада ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақоми кучайтириш, бу масаланинг қонуний базасини яратишни, бундай бегараз ва олижаноб иштишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантиришни кўзда тутамиз», деб таъкидлаган эдилар. Яъни, ушбу қонун ташаббускори бўлган Юртбошимиз томонидан ҳомийликнинг мустақам ҳуқуқий асосларини яратиш зарурати исботлаб берилган.

Қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси қонун ташаббускорлик ҳуқуқидан фойдаланиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритган.

Йилгилишда сўзга чиққан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов қонун лойиҳасининг энг муҳим жиҳатлари, айрим тақлифлар ҳуқуқидан сўз юритди.



Носир ҲАЙДАРОВ оғли суҳбатда

Афғонистон делегациясининг ташрифи

Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислам Республикаси энергетика ва сув заҳиралари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси раиси Б.Тешабоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни, ҳусусан, энергетика соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар урушидан сўнг иқтисодийни тиклаш, аҳолини иш билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Афғонистон халқаро ҳам-жамият, ҳусусан, Ўзбекистон кўмагига таянмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги му-

носабатларда электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Афғонистонни электр энергияси билан таъминлаш қувватини янада ошириш имкониятига эга.

Афғонистон электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш учун мазкур соҳада қатор лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Афғонистонда ҳозир Қобул-Ҳайратон йўналишида 400 километрлик ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳани 2008 йилга амалга ошириш мўлжалланган. Делегация раҳбари Афғонистон ушбу масала бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Ибрат

Фермерлар саховати

Сардоба тумани «Кўргонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Жумабой Уралиев хонадон аҳлининг қувончи орди. Бир бош қорамол сотиб олишни анчадан буюн орзу қилиб юрган пайтда, сизирли бўлиб қолса, қим ҳам секинмади дейсиз. «Адолат» СДП Сардоба туман Кенгаши ташаббуси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари жонқурлиги боис ана шундай саховат кўрсатилди.

Туман Кенгаши биринчи котиби Шароф Сиддиқов тиниб-тинимас фидойи инсонлардан. Президентимизнинг 2006 йил 26 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон-фермер хўжалиқларида қорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг, туман деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси мута-саддиқлари билан масалани ҳал қилди. Улар кўмагига таяниб фермер хўжалиқлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари билан давра суҳбатлари, амалий семинарлар, учра-шувлар ўтказди. Кўпчилигининг саёи-

ҳаракати ўз самарасини берди.

Тумандаги «Сардоба сайқали» фермер хўжалиғи биринчилардан бўлиб ушбу қарорга амалий жавоб берди. «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи қам таъминланган Ширингул Умарова хонадонига бир бош сизир, «Қора-булок» фермер хўжалиғи эса Пар-фиш Тўхтабоевга бир бош сизирни буюзи билан инъом этди. Кўп ўтмай бу хайрли ишга бош қўшган фер-мерлар сафи туманда яна олтига кўпайди.

Шу кунларда вилоятнинг Боев, Ховос, Гулистон, Оқолтин, Сирдарё, Сайхунбод туманларида ҳам сахо-ватли фермер хўжалиқлари бу бо-рада четда қараб туришгани йўқ.

Партиянинг сирдарёлик фаолла-ри ушбу қарор ижросини таъмин-лаш баробарида эл-улуснинг дуо-сини олишпти. Эҳтиёжманд хона-донларга кириб, уларга қорамол олиб беришда, саховат кўрсатишда бош-қош бўлмоқдалар.

Ислам ҲУДОЙҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси 2007 йилги Давлат бюджетининг биринчи ўқишда муҳокама қилиш мобайнида депутатлар томонидан билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Р.Азизов Қонунчилик палатаси муҳока-масига тақдим этди. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшим-ча маъруза қилди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий мо-лиявий ҳужжатининг лойиҳаси иккинчи ўқишда батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Мамлакатимизнинг келгуси йилги Давлат бюджетни санат ҳамда қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришнинг ҳужжатини ва барқарор ривожлантиришга, истеъмол товарлари ҳажм-ларини оширишга, макроиқтисодий ва молиявий барқа-

рорлиқни мустақамлашга, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мувозанатини кучайтиришга, хўжалик субъект-лари зиммасидаги солиқ юқини камайтиришга, инфляция даражасини пасайтиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз 2007 йилги Давлат бюджетининг ижти-моий йўналтирилганлиги анча кучайди. Унда муҳим иж-тимоий муаммоларни, биринчи навбатда, таълим ва соғ-лиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қар-тиладиган давлат ҳаражатлари улуши ошди. Мамлакатим-из асосий молиявий ҳужжати лойиҳасида янги иш ўрин-ларини барпо этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш, бошқа ижтимоий ҳаражатларни ўз вақ-тида тўлиқ молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Муҳокама пайтида депутатлар томонидан билдирил-ган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонунчилик пала-таси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини қабул қилди, мазкур ҳужжат қўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

(ЎЗА)

Фракция йиғилиши

Асосий молиявий ҳужжат

2007 йилги давлат бюджети лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзолари узоқ муҳокамадан сўнг маъқулладилар

Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги «Адолат» СДП фракцияси-нинг кенгайтирилган йиғилиши тур-муш даражаси ошишини таъмин-лашга қаратилган стратегик устувор мақсадлар асос қилиб олинган. Мам-лакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари солиқ юқини макро ва микроиқ-тисодий даражада камайтириб бори-лиш кўзда тутилди. Келгуси йилда на-зарда тутилган солиқ сиёсати чора-тадбирлари қуйидаги макроиқтисо-дий кўрсаткичларга — ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоиз, санат тар-моқларининг 7,8 фоиз ўсишига, ин-вестиция ҳажмининг 8,1 фоиз кўпай-ишига, инфляция даражасини 5-7 фоизгача камайтириш ва аҳоли реал даромадларининг камида 17 фоиз-га ошишига эришиш учун мустақ-кам асос яратилди.

Йиғилишда Республика Молия ва-зирининг биринчи ўринбосари Бах-ром Ашрафхонов 2006 йилда бюд-жет ижроси, 2007 йилги Давлат бюд-жети лойиҳаси тўғрисида ҳисобот бе-аркан, 2006 йилнинг 9 ойида Дав-лат бюджетни қўйилган 1 фоизли так-чиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизли профитит бил-лан ижро этилганини алоҳида таъ-кидлади. Бу иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ сиёсатининг та-комиллаштирилиши натижасидир.

Иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ сиёсатининг та-комиллаштирилиши натижасидир.

Партия кўзгуси

Сиёсий ҳаракатдаги таянч

нуқтаси бўлган бошлангич партия ташкилотларининг иши ҳар жиҳатдан мукамал ва ибратли бўлмоғи зарур

— Ана шу мақсадда «Адолат» СДПнинг вилоятимиздаги бошлангич партия ташкилотлари ишини намуна-ли тарзда ташкиллаштиришимиз дар-кор, — деди Қашқадарё вилояти Ке-нгашининг биринчи котиби Абдуқа-ҳор Аҳмедов вилоят партия ижроия қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилиши-да. — Мазкур ҳаракат партиянинг мақ-сад ҳамда вазифаларини бекаму-куст бажарилишини таъминлашда муҳим омил бўлади. Қолаверса, олдимизга қўйган мақсадлардан бири — ҳар бир партия аъзоси билан бевосита муло-қот ўрнатиш ва уларнинг сиёсий фа-оллигини оширишда асосдир.

Тан олиш керак, вилоят кенгаши-мизда қўрилган чора-тадбирлар на-тижасида аъзолар сонини бирмунча кўпайтирдик, лекин бу мақсадга эришдик дегани эмас. Партия аъзо-лари сонини оширишда нуфузли идо-ралар, қорхоналар ичига кириб бор-дик, меҳнат жамоалари билан уч-рашдик, самараси чакки бўлмади. Сафимиз ўз касбини етук мутахасси-си, билимдон аъзолар ҳисобига ор-тди. Бу ерда муаммо шундаки, ҳали жуда кўп ташкилот ва муассасаларда партияимиз сафига қирадиган, аниқ-роғи сафимизга кирита оладиган аудитория мавжуд, бизнинг дасту-рий гоя ва ҳаракатларимиз тўлиғича уларга етиб бормани йўқ. Биз партия вакиллари мана шу жаҳада янада ташаббускор, фаол бўлишимиз ке-рак. Бошлангич партия ташкилотла-рини намунали тарзда ташкиллашти-ра оласак, қўзлаган режаларимиз амал-га ошиши шубҳасиз.

Ижроқўм йиғилишида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам



Ҳозир Шаҳрисабз, Касби туман Кенгашларида бошлангич партия ташкилотлари иши намунали йўлга қўйилган. Аъзолари сонини ҳам ча-ки эмас. Бирок, Чироқчи, Деҳқон-бод, Гузор, Қамаш туманларида қонқарли эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ижроқўм йиғилишида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Тадбиркор нима дейди?

Муаммо барҳам топса...

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фа-олиятини кенг имкониятлар яратилган. Бу имконияتلардан самарали фойдаланган ҳолда 1994 йилдан бери ҳусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман.

Ана шу тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланти-риш мақсадида 2001 йилнинг 18 майида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркор-ларни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Қашқадарё вило-ят бўлимининг сотувга қўйган биноларининг қимосиди-савдосида қатнашдим. Унда қўмитанинг вилоят бўлими Шайхисабз тумани «Вино-арок» ОАЖга қарашли бир қатор мулкларни ОАЖ бошқаруви ҳайъатининг 2001 йил 21 январ-даги 3-сонли баённомасига асосан қим осиди савдосига қўйди. Мен ОАЖнинг темир йўл ёнида жойлашган оғир-хона биносига ҳаридор бўлдим. Қим осиди савдоси ўпка-зилиши тўғрисидаги эълонда бинонинг бошлангич нархи 1 миллион 330 минг сўм қилиб белгиланган. Шу кун-бинонинг қим осиди савдосида 1 миллион 900 минг сўмга сотиб олдим. Барна олди-сотиш ишлари қонун талаблари асосида амалга оширилди. Лекин ОАЖ раҳбарияти 2001 йилнинг 6 июнида бино арзон нархланганини дастак қилиб, қузатув Кенгашининг 70-сонли баённомасига асо-сан яна 777,612 сўм тўлашни талаб қилишди. Мен тузилган

42-сонли шартномага кўра, юқорида кўрсатилган суммани ОАЖ қассасига тўлашга мажбур бўлдим. Шундан сўнг 2001 йилнинг 20 июлида менга Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси томонидан 6896 рақамли мулк-ий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилди.

Бирок, ОАЖ раҳбарлари қўлимда ҳусусий мулкни тасдиқловчи давлат ордери бўлишига қарамасдан бино-ни қайтариб беришимни сўраётди. Қолаверса, кадрлар қўнимсизлигига тўғайли тез-тез ўзгариб турган ҳар бир янги раҳбар фаолиятимизга ҳалақит қилиш пайида бўли-шди. Бу ноқонуний ҳаракатларнинг охири ҳеч ҳам қўрин-мапти. Бунинг натижасида сотиб олинган бинода иш-лаб чиқариш қорхонаси қуриш, аҳолини иш билан таъ-минлаш борасида амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз-га жиддий зиён етмоқда.

Хулоса шунки, тегишли мутасадди ташкилотлар фирма-мизнинг эркин фаолият кўрсатишида ва турли тўсиқлар-га барҳам беришда амалий кўмак кўрсатсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Абдуразақ ЭЛМУРОДОВ,
«Нилуфар А.Т.» улутжи савдо-ишлаб чиқариш фирмаси тасвирини



Болалар манфаатлари йўлида

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури ва мақсадли давлат дастури амалга ошириш давомида 15-16 ноябрь кунлари Тошкентда "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислохотлар" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ундан қўланган мақсад маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ушбу муҳим соҳани ислоҳ қилиш механизмларини такомиллаштириш, янги самарали механизмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуман ташкилотчилари "Sen Yolg iz Etmassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болаларни ижтимоий мослаштириш марказидир. Тадбири тайёрлаш ва ўтказишда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ватанпарварлиги аян-дан ёрдам бермоқда. Анжуманда мазкур соҳада фаолият юритаётган республика ва чет эл мутахассислари, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, "World vision" каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Бундай нуфузли анжуманнинг ўтказилиши мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга

ошириладиган улкан ишларнинг ман-тикий давомидир. Мустақилликка эришган, Ўзбекистонда болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш масаласи давлат сиёсати дара-жасига кўтарилди. Президент Илҳом Каримовнинг ташаббуси билан таъ-лим, соғлиқни сақлаш сифатини оши-риш, шунингдек, болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли давлат дасту-рлари амалга оширилмоқда. Бу вази-фаларни бажариш учун республика-миз давлат ва жамоат тўғрисидаги, мазкур масала билан шугullanувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини му-вофиқлаштириш йўлига қўйилди.

"Sen Yolg iz Etmassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси-дан маълум қилишларича, анжуман давомида болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд тизимини модер-низация қилиш, уларни замон талаб-ликларига мослаштириш чора-тад-бирларини ишлаб чиқиш мўлжаллан-ган. Тадбир иштирокчилари мам-лакатимизда 2005 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган аввалги анжуман тавсияларига мувофиқ амалга оши-рилган ишларни муҳофаза қилиди.

Қатнашчилар қўнғичликни такомил-лаштириш, тармоқлараро алоқалар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида курсатилган хизматлар турларини ривожлантириш услубларини тах-лил этди. Анжуманда ушбу тизимни бошқаришнинг халқаро ҳуқуқ нор-маларини ўрганиш ва қўллашни ҳисобга олиб, янги ёндашувлар ҳамда бу тизимни ташкил этиш мо-делларини жорий этиш йўллари бел-гиланди. Мураккаб шароитда яша-ётган болаларни ижтимоий реабилитация қилишнинг турли шакллари-ни ривожлантириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, меҳри-бонлик уйлари тарбияланувчилари ва битирувчиларини қўллаб-қувватла-шининг инновация моделлари тақди-ми бўлиб ўтди. Анжуманда халқа-ро ҳамкорлик ва идоралараро сай-дан ҳаракатлари мувофиқлаштириши мамлакат мисқосида кенгайтириш ма-салаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар секция-лардаги муҳокамалар ва ишлар якун-лари бўйича болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янада яхшилаш бо-расида тавсиялар ишлаб чиқди ва қабул қилди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Бунёдкорлик

Ҳар битта уй обод бўлса

қўнғилимиз чароғон бўлади, — дейди "Самарқандгидроқурилиш" корхонаси раҳбари Мўмин Холов

Самарқанд вилоятидаги ўнлаб номдор қурилиш ташкилотлари ора-сида буюртмаларни ўз вақтида, ор-тиқча харажатларсиз, сифатли ба-жариб келаятган бу корхонанинг тажрибаси ўрганишга, ибрат олиш-га лойиқ. Сабаби "Самарқандгид-роқурилиш" бинокорлари ҳар бит-та иншоотни ўзимиз ва ўз фарзан-дларимиз учун пишиқ-пuxта кура-миз, деган қоидага қатъий амал қилишади. Шунинг учун ҳам тен-дер танловларида жамоанинг қўли баланд.

Худуд жиҳатидан вилоятда энг катта ва сароҳили ҳисобланган Пастдаргом туманида жойлашган корхона жамоаси ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш дастури до-ирасида ҳар йили ўнлаб қурилиш-ларни амалга оширяпти. Фақатгина шу йил ҳисобидан қад ростлаган йирик спорт мажмуи, замонавий тиббиёт коллежи, ўндан ортиқ оила-


га мўлжалланган шинам котеждар жамоа меҳнатининг маҳсулидир. Айни пайтда эса қурувчилар туман-даги Меҳнат қишлоғида 450 ўринли маиший хизмат касб-хунар коллежи қурилишини ниҳоясига етказмоқда-лар. Тендер қиймати 1 миллион 245 миллион сўмлик мазкур объектда иш тизиг режа асосида ташкил этил-ган, энг малакали қурувчи, мута-хассислар жалб этилгани боис бино ва унга тегишли ёрдамчи иншоот-лар қисқа вақтда тикланди. Ҳозир коллежни жиҳозлаш, атрофини обо-донлаштириш ишлари олиб бориш-моқда. Белгиланган юмушларни тез ва сўз одалашда Асфар Мамедов, Шариф Тошпўлатов, Шухрат Турсу-нов, Эркин Чориев сингари қурув-чи, мутахассислар қўчликча ибрат бўлишмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида буюртмани фойда билан якумлаш, қурилишда рентабелликни таъмин-

лаш жуда кўп омилларга боғлиқ, — дейди корхона раҳбари Мўмин Хо-лов. — Шулардан энг асосийси жа-моанинг ўз ишлаб чиқариш ва тех-ник базасига эга бўлишидир. Барпо этилаётган иморатлар учун эшик, де-рлаза ромлари, блок гишларни тай-ёрлайдиган ўз цехларимиз бор. Та-биийки, бу қурилиш танларини ар-зонлаштиришга хизмат қилапти.

Чиндан ҳам жамоа бозор рақо-бати талабларидан келиб чиққан ҳолда қурилишда сифат ва самара-дорликни оширишнинг янги-янги имкониятларини излаб топмоқда. Кўркам, беникусон ва арзон қуриш билан буюртмачилар ишончини қозонмоқда. Чунки Виланнинг ҳар битта уйи, шаҳару қишлоғи обод бўлса юрт тараққиётга ўз тутди. Обод уйларида эса озодинсонлар яшайди.

Зохир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири



Суратда: Корхона пайвандловчиси Худойер Санакуюлов, қурувчилар Фазлиддин Зиётов, Дамир Облоқулов ва Очил Умаров.

Ҳамкорлик самараси

"Қамолот" ёшлар ҳаракати, хо-тин-қизлар қўмитаси, қишлоқ ва ма-ҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда бир қатор амалий иш-ларни олиб бораётиб. Мактаб ўқув-чилари ўртасида "Ўзбекистон — Ва-таним меним", "Ўз уйинг ва маҳал-лангни ўзинг асра", "Оғоҳлик — давр талаби" мавзуларида иншоолар қўриқ-танловлари ўтказилиб, ғолиб-лар фахрий ёрлик ва соғалар билан тақдирланди.

Турли байрамларда ёлғиз кекса-лар, ногиронлар ва кам таъмин-ланган оилалар ҳолидан хабар оли-ниб; уларга моддий кўмак берил-миш. Айниқса, "Макрид" фуқаро-лар йиғинига қарашли қишлоқлар-да истиқомат қилувчи Гулзор Суво-нова, Садоқат Ҳафизова, Дилшод Умиров, Очамбайли қишлоғида яшовчи Г.Исхонқўриқ Насиба Мухаммадиева қабилир доимий эътиборимизда.

Аҳоли ўртасида "Инсон маъна-виятини қамолотга етишишда оммавий ахборот воситаларининг ролли", "Сиз ҳаётини қандай тасаввур этасиз?" ма-взуларида давра суҳбатлари, суро-вонмалар ўтказилди. Бу тадбирларда аҳоли томонидан электр энергияси, тоза ичимлик суви, газ таъминоти бўйича эътирозлар бўлди. Қишлоқ-ларда электр энергиясининг тармоқ-дан сабабсиз узиб қўйилиши, базан-да табиий газнинг мейёрида бўлма-сали сабаблари ўрганилиб, муам-молар тегишли мутахассислар ишти-рокида бартараф этилаётди.

Партияимизнинг аҳоли ўртасида фаоллашуви боис, 30 киши ихтиё-рий равишда партия сафига ўтиш учун ариза билан мурожаат қилди ва сафимизга қабул қилинди.

Хосият ЖАББОРОВА,
"Адолат" СДП
Китоб туман Кенгаши котиби

Қишлоқ хўжалиги

ЖТТБ кредити — агросекторда

Ўзбекистонда Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида амалга ошириладиган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида жорий йилда 11,7 миллион доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирили-ш режалаштирилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-лиги қўшидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта тузиш агент-лиги маълумотларига қараганда, мазкур маблағнинг 4 миллион дол-лар ирригация ички хўжалик иш-ларига, қолган қисми эса ўрим тех-никиси ва механизмларни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги кор-хоналарини мақсадли кредитлаш-га йўналтирилди.

Мазкур лойиҳанинг мақсади аграр бизнесни олиб бориш шунинг-дек, хусусий секторни ривожланти-риш, ирригация ва дренаж инф-ратузилмасини тиклаш ҳамда таъ-мирлаш, сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этишга техник кўмак ва маблағ хизматлари курсатиш йўли билан қишлоқ хўжа-лиги ҳосилдорлиги ва барқарор-лигини кўтаришдан иборат. Лойиҳа Охангарон (Тошкент вило-яти), Нишон (Қашқадарь вилояти), Марҳамат (Андижон вилояти), Ше-робод (Сурхондарь вилояти) ва Эллиққалъа (Қорақалпоғистон) ту-манларида амалга оширилмоқда. Жами экин майдони 162 минг гек-тарни ташкил этди.

2007 йилгача мўлжалланган маж-

кур лойиҳанинг умумий қиймати 43,5 миллион доллар бўлиб, шун-дан 36,1 миллион долларни Жаҳон Тараққиёт тикланиш банки заём-лари бўлса, 4,2 миллион доллари Ўзбекистон ҳукумати томонидан молиялаштирилган, 3,2 миллион доллар бенефициарийлар маблағи ҳисобланади.

Хозиргача заём доирасида 25 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилиб, 35 та сувдан фой-даланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Ҳужайралар дренаж ин-фратузилмасини реконструкция ишлари тугалланди. Шу жумладан, Андижон вилояти Марҳамат туман-даги Аска адири каналини мо-дерианизациялаш, Сурхондарь вило-ятидаги Шерободдарь дарёси қир-воқларини мустаҳкамлаш, Тошкент вилояти Охангарон туманидаги ҳамда Қашқадарь вилояти Нишон туманидаги хўжаликлари сув ка-наллари тизимини тиклаш ишлари ниҳоясига етказилди. 46 километр, Нишон туманида узунлиги 43,6 ки-лометр масофадаги коллектр ва каналлар қўралиб, фойдаланишга топширилди. 74 минг гектар май-дондаги тупроқ ҳолати ва сув таъ-миноти яхшиланди.

Лойиҳа компоненти доирасида машина-трактор саройларини бун-ёд этиш шу жумладан, Германия-нинг "Клас" компанияси ишлаб чиқарган гапала уриш комбайна-ри, Россия ва Беларус тракторла-

Фракция йиғилиши

Бюджет лойиҳаси маъқулланди

Энг аввало, мамлакатимизда қабул қилинган солиқ концепцияси асосида келгуси йилдан юридик шахслардан олиннадиган даромад солиғи 12 фоиздан 10 фоизга туши-рилади. Бу кичик бизнес субъектла-ри ихтиёрида 37 млрд сўмлик маб-лагнинг қолишига имкон беради, деганидир.

Яна бир янгилик. Келгуси йилдан бошлаб банк ва сугурта компания-лари 17 фоизли солиқ тўлашга ўтади. Бунинг фарқи, солиқлар ҳисоблаб чиқилаётганда, иш ҳақи жамғармаси ҳисобга олинмайд.

Президентимизнинг "Халқ таъли-ми ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни қўлай-ти-риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида шу йил 1 январдан умумтаълим муассасалар ўқитувчи-лари, педагог ходимлари ва раҳбар ходимларига устама ҳақ тўлаш тизи-ми киритилган эди. Энди бунга 1 январдан бошлаб касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ҳам тадбиқ этиш қўзда тутилган. Шунинг-дек, 2007 йилдан бошлаб таъриба тариқасида Бухоро, Фарғона вило-ятлари ва Тошкент шаҳрининг ай-рим туманларидаги умумтаълим мак-таблари, мактаб-интернатлар ва касб-хунар коллежлари мисолида

ятларда Ресурс марказлари ташкил этилди. Яъни, энди барча кутубхо-налар ушбу марказ тасарруфига ки-радиган бўлди.

Хайрулла МЎМИНОВ,
Халқ депутатлари Кенгаши Тош-кент шаҳар депутати

— 2007 йилги бюджет лойиҳаси-да курсатилишича, ер солиғи 80 миллионга ошибди. Тагин сув ре-сурсларидан фойдаланиш ҳам бир неча фоизга ошган. Бунга қандай сабаблар асос қилиб олинган?

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Бу масала уқуматимиз томо-нидан алоҳида ўрганилмоқда ва бел-гиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб боришмоқда.

Худойер МАМАТОВ,

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Айрим ҳолларда қонундан таш-қари жойлардаги ҳокимиятлар ушбу хизматларни оширяпти-ку.

— Бу йил Монополиядан чиқа-риш ва тадбиркорликни ривожлан-тириш қўмитаси билан биргаликда кенг қамровли ишлар олиб бори-либ, аҳоли учун коммунал хизмат-ларни оширмасликка ҳаракат қилин-ди. Натижада бу борада самарали оқдиқларга эришилди.

Зухра БОТИРОВА

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Биринчи саволим: Бюджет иж-



бюджет харажатларини бир ўқувчи-га белгиланган харажатлар меъёри-ни молиялаш режалаштирилган. Бу келгусида таълим муассасаларининг бюджет харажатларини оптималлаш-тириш ва ундан оқилона фойдала-нишни таъминлайди. Қолаверса, мак-таб таълим жамғармалари маблағи ҳисобига 1651 та мактабни янги қуриш, реконструкция қилиш ва жорий таъмирдан чиқариш қўзда тутилган.

Тадбир иштирокчилари томонидан Маданият ва спорт ишлари ва-зирлиги тасарруфидан халқ таъли-ми тизимига ўтказилган кутубхона-ларнинг молиявий ишлари билан кимлар, қандай шугулланади, деган савол ўртага ташланди. Бунга Халқ таълими вазирлиги вакили Исматул-ла Султонов жавоб берди.

— Республикаимизда ягона Бола-лар кутубхонаси ҳам тасарруфимизга ўтказилди. Жойларда мустақил бо-лалар кутубхоналари ўрнига вило-

росининг газначилик тизимини жо-рий этиш ўзини оқлайтганга ўхшай-ди. Хўжжатда 2007 йилда Тошкент, Фарғона, Андижон, Жиззах, Навоий ва Қашқадарь вилоятларида ушбу тизим жорий этилади, дейилган. Бу маълум бир кўрсаткичларга биноан имомкамдами ёки ўз-ўзиданми? Нима учун айнан шу вилоятлар танланган?

Иккинчи саволим: Юқорида ай-тиб ўтилганидек, 2007 йилдан бош-лаб таъриба тариқасида Бухоро, Фар-ғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим туманларида ҳар бир ўқувчиға мўлжалланган хиз-матлар ажратиш режалаштирилиб-ди. Бу ҳам маълум бир кўрсаткичга биноан олинганми ёки?

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Аҳвол

Можаронинг якуни борми?

Газетамизнинг 2006 йил 11 ав-густ сонида қўработлиқ Гавҳар Сориеваннинг "Ўз уйимга киролма-сам..." сарлавҳали таҳририятга йўлланган хати чоп этилган эди. Унда фуқаронинг судма-суд, идорама-идора югуришига қарамай ўз уйига ўзи қира олмаётгани хусусида сўз юритилган.

2006 йил 11 сентябрь санаси би-лан Самарқанд вилояти ИИБдан маз-кур мурожаат қилинган жавоб хати олдиқ. Жавоб хатида умуман бошқа нарсас — Г.Сориева уйини Елена Яковлева Номига хоҳлаган пайтда қўриқиб олишга ҳақли бўлиши ҳақида ишончсизона берганлиги, уйда ҳа-рада турувчи Ж.Шосимова ва А.На-заров билан Е.Яковлеванинг эри Э.Усмоновнинг жанжал қилганлик-лари учун жиноят иши қўзғатилгани, 2005 йил 31 декабрь кунли фуқаро-лик ишлари бўйича Иштихон туман-лараро судининг қарорига асосан ижарада яшовчилар мажбурий тар-тибда қўриқилгани баён этилганли-гини ўқиб (мен нима дейман, қўзи-мин нима дейди, деб шунга айтса-лар керак-да!), ростни аниқ таъжжуб-ландиқ. Ахир, мақолада ана шу иж-ро этилган суд қарори бор-йўғи бир қўнғина аман қилинган, шу боис ма-жаро ҳамон давом этаётгани ва бунга қўработлиқ ҳуқуқ-тартибот орган-лари тегишли чора қўрмаётгани ҳақида ёзилган-ку!

Орадан кўп ўтмай, 2006 йил 12 сентябрь санаси билан таҳририят-мизга Самарқанд вилоят прокурату-расидан ҳам мазкур масала юзаси-дан жавоб хати келди. "...Фуқаро Г.Сориева 2006 йил 10 апрель кунли Қўработ тумани ИИБга фуқаро



Исматулла СУЛТОНОВ:

— Ҳуқуқчи бошига молиялашти-риш бизга энди кириб келмоқда. Бу жуда яхши ҳолат. Мазкур режа ви-лоятларнинг жойлашишига қараб, яъни ҳудудларда ҳар хил натижа бериши мумкинлигини инобатга ол-ган ҳолда амалиётга тадбиқ этил-моқда. Кейинчалик барча минтақа-ларда босқинча-босқинча ўқувчи бо-шига таълим муассасаларини моли-ялаштириш тизимига ўтади.

Исмаил САИФНАЗАРОВ,

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Юқорида туман халқ таълими бўлими (райони) тугатилди, де-ган фикрлар айтилди. Бизнинг ту-шунишимиз бўйича уларнинг моли-ялаштириш тизими ўзгартири, аммо "районлар" тугатилгани йўқ. Бу ти-зим таълим соҳасини бўшаштириб қўймаймиди?

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Ушбу масалани ҳаётга тадбиқ этишдан олдин қўллаб изланишлар олиб боришди. Соҳа мутахассисла-ри ва тегишли идоралар вакилла-рининг фикр-мулоҳазалари, тақлиф-лари ўрганилди. Утган йилдан ана-лиз, таҳлил ишларини бошладик. Бу тўғри қилинди, деб ўйлайман. Ўйлаймизки, бу соҳа ривожига тўсиқ бўлмайди.

Эндиликда пул тўғридан-тўғри молия орқали, юридик мақомига эга бўлган ҳисоб-молия маркази томонидан ўтади. Бу ерда фаоли-ят юритадиган шахслар мактаб ди-ректорларининг молиявий ёрдам-чиси бўлиб қолади. Улар фақат юридик мақомага эга бўлган мак-табларга ёрдам беради. Бундай таълим масканлари дейилганда, ўз бўҳгалтери бўлган мактаблар ту-шунилади. Кўп мактаблар ҳали юри-дик мақомага эга бўлмаган. Уларда бухгалтер бўлмагани учун молия-ҳисоб маркази ёрдам беради. Бун-да молиявий ишлар билан про-фессинал кадрлар шугулланиши назарда тутилган. Бу тақлиф бю-джет маблағларини ўзлаштиришнинг олдини олиш мақсадида илгари сурилмоқда.

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,

"Адолат" СДП фракцияси раҳбари:

— Исматулла Аҳадович, қўтимиз-да юридик мақомага эга мактаблари-миз қанча? Бу жараёнинг истиқбо-ли қандай?

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.

Баҳром АШРАФХОНОВ:

— Биринчи саволингизга жавоб берсам. Бу ўз-ўзидан олинганми йўқ. Олтига вилоят танланганининг бо-иси шундаки, жорий йилда айнан ушбу минтақаларда таъриба ўтка-зилмаганди.



2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Эл саломатлигини асраш йўлида

Мутахассисларнинг айтишича, инсон соғ-саломат узок умр кечириши куп жихатдан унинг соғлом турмуш тарзига нечоғли риоя қилишига боғлиқ. Кун тартибиди оқилона таъминланган ва унумли меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқарган, тўғри овқатланиш, ўз вақтида тиббий куриқдан ўтиб туришни одат қилган киши юксак тиббий маданият соҳибига ҳисобланади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида соҳани ривожлантириш билан бир қаторда аҳоли тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бераётди. Бу борада Республика Саломатлик институти, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани Саломатлик маркази ана шундай муассасалардан бири. Унга қариб ўттиз йиллик таърибига эга шифокор Миртилла Нейматиллаев раҳбарлик қилади.

— Туманимиздаги йигирмага яқин кишлоқ врачлик пункти, диспансер, поликлиника, марказий шифохона ва туғруқ маҳмуи 140 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётди, — дей-

ди М.Нейматиллаев. — Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган туз ислохотлар туманимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, барча кишлоқ врачлик пунктларимиз ва туғруқ маҳмуи мукамал таъмирдан чиқарилди. Аини пайтда улар замонавий тиббиёт воситалари билан бо-сқичма-босқич жиҳозланяпти.

Амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу борада деярли беш йилдан буён иш юритаётган марказимиз тегишли тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳалла идоралари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳам-корлик қилиб келмоқда.

Маҳалла, мактаб ва турли меҳнат жамоаларида бўлиб, кенг жамоатчилик иштирокида мунтазам мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда туманимиздаги кишлоқ ҳужалик коллежиди бўлиб ўтди. Ёшлар билан тиббиётнинг инсон саломатлиги, умуман, ҳаётига салбий таъсири, соғлом турмуш тарзи, санитария ва гигиена маданиятига риоя этишнинг аҳамияти хусусида суҳбат курдик. Усирик даврининг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда инсон организмиди руй берадиган ўзгаришлар, бирламчи ка-

салликларнинг белгилари ва профилактикаси бўйича қизгин мулоқот бўлди. Маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ота-оналар иштирокида ўтган тадбирда эса кўрак сутининг фарзанд камолотидаги ўрни юзасидан фикрлашдик.

Давлатимиз томонидан тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш, шифокорлар меҳнатини қадрлаш, халқимизга сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилаётган эътибор бизни янги куч билан ишлашга даъват этмоқда. Хусусан, шифокорлар иш ҳақининг оширилиши, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасиди қўлаб ҳамкасбларимизнинг борлиги бизни руҳлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган тиббиёт хо-димлари кўнини белгилаш тўғрисидаги қонунига кўра, бундан буён ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи ак-шанбаси юртимизда тиббиёт хо-димларининг касб байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг бундай юксак эътибори мамлакатимиздаги барча шифокорлар катори, туманимиз тиббиёт хо-димларини жуда қувонтирди. Бу биз, шифокорларни зиммамиздаги масъулиятни янада қўқур ҳис этиб ишлашга ундайди.

Ў.А. мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

Ислохот одимлари

Тараққиёт омилкор раҳбарга боғлиқ

— дейди Косон тумани ҳокими Сайфулла Азизов биз билан суҳбатда

— Сайфулла Темирович, аввало туман ҳақида, қолаверса, халқ ҳужалигида эришилаётган натижалар хусусида тўхталсанми?

— Мустақиллик йиллари косонликлар учун ҳам том маънода изланиш ва юксалиш даври бўлди. Дарвоқе, бозор иқтисодиётига бо-сқичма-босқич ўтишда ҳукумат томонидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш борасида қўрилган чора-тадбирлар нафақат аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда, балки барча соҳани бирдек ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлди. Бундан руҳланган икки юз ўн минг сонли туман аҳлимиз халқ ҳужалиги тармоқларида, аиникса кишлоқ ҳужалиги ва иқтисодиётда катта ютуқларни қўлга киритди.

Биргина шу йилнинг ўзиди са-ноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 38589 миллион, халқ истеъ-моли моллари ишлаб чиқариш 16968,5 миллион, капитал қурили-ши ҳажми 6063,1 миллион, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 1339,3 миллион сумни, шунингдек, кишлоқ ҳужалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 58056,1 миллион

сўмини ташкил этди. Жорий йилнинг сержамақчилиги шунда қўриндики, галларкорларимиз 94520 тонна сара дон ишлаб чиқариб, шунинг 37342 тоннасини давлатга сотиб, шартно-мавий режани урдаладилар. Олин-ган даромад ҳам чакки бўлмади. Биргина дончиликнинг ўзидан 8506,8 миллион сум фойда олинди. Давлатга 56015 тонна юкори сифат-ли пахта етказиб берилиб, шартно-мавий режаси бажарилиб, етиш-тирилган пахта ҳосилининг асосий қисми ёгини сочинли қўнларга қол-дирмай саражхонлаб олинди.

Албатта эришилаётган натижалар халқимиз фаровонлигини яхшилаш-га, ижтимоий-иқтисодий инфрату-зилманинг ривожлантиришга йўнал-тириляпти.

— Косон Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик энг ривож топган туманлардан. Айтингчи, шу билан бирга ижтимоий, маданий соҳа-лар тараққиёти, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ахвол қандай?

— Бу борада ҳам сезиларли ютуқ-ларга эришилди. Қишлоқларга газ, ичимлик суви ўтказиш, ободонаш-тириш ишлари давом этирилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш кераки, кейинги 2-3 йилда 1200 ўрин-га эга бўлган 2 та коллеж, 12 та қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктлари, 2 та спорт комплекси, 2 та янги мак-таб, 60 минг квадрат метр уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Туманимизда Президент Фармо-ни ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ҳам катта ишлар амалга оширилди. Аини пайтда ҳудудимиз-да 3800 та кичик корхона фаолият юритмоқда. Шу кеча-қундузда иш-билармонларга 3 та асосий ва 24 та минчи банк, 2 та ахборот маспахат маркази, 24 та муқобил машина тра-ктор парки, 22 та сувдан фойдала-нувчилар уюшмаси, 20 та енилки кўйиш, 22 та минерал ўғит билан таъминловчи шаҳобчалар хизмат кўрсатапти. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, каса-начилик ишларини ривожлантириш ва оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш ҳисобига янги иш ўринлари яратилмоқда.

— Иқтисодиёт юксалишида ишнинг кўзини биладиган раҳбар кадрлар-нинг ўрни бекиёс. Туманда кадрлар-ни танлаш, жой-жойига қўйиш бора-сида қандай йўл тутиляптими?

— Ўринли савол. Кадрлар иш-лаб чиқаришнинг юраги. Тадбир-кор, омилкор раҳбарлар қанча кўп бўлса, тараққиётимиз шунча тез-лашади. Шунинг учун ҳам кадр-ларни танлаш масаласига ута масъулият билан ёндашялмиз. Ҳар бир раҳбар кадрлар лавозим-ларига 3 тадан муносиб кадрлар заҳираси яратилиб, уларнинг ма-лакаси оширилмоқда. Жорий йил-да Давлат Солиқ инспекцияси, ижтимоий таъминот бўлими, ту-ман ФХДБ бўлими, савдо-саноат палатаси ҳамда 53 та қишлоқ ма-ҳалла фуқаролар йигинлари раҳ-барлиги тармоқларида 200 нафарга яқин раҳбар кадрлар иш олиб бор-моқда.

Туманимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, халқимиз са-марали меҳнат қилиши, қўнлида-гидек яшаш учун барча имконият-лар яратиб бериляпти.

Суҳбатдош: Комил САХАТОВ,
“Адолат” мухбири



Қашқадарёлик пахтакорлар бу йил самарали меҳнат қилиб, улкан “оқ олтин” хирмонини бунёд этдилар. Бу қабул пунктлари ва хомашени қайта ишлаш корхона-лари зиммасига катта масъулият оқлайди, албатта.

Касби туманидаги «Денов» пахта қабул қилиш пунктида бу йил 10 минг тонна хомаше қабул қилин-ди. Қимматли хомашени сифатли қабул қилиб, қайта

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

9 ноябрь — Жаҳон сифат қуни

Сифат — харидоргирлик кафолати

Дунё таърибаси шунинг кўрсатмоқ-даки, халқ ҳужалигининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари-да истеъмолчилар талабларини тула қондиришда сифат ва рақобатбар-дошлик муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, уларни ташқи бозорда рақобатбар-дошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада “Стандартлаштириш тўғри-сида”, “Истеъмолчилар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Истеъмол маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун-лар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Шунингдек, Рес-публика Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарда халқаро стандарт-ларга мувофиқ бўлган сифатни бош-қариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Корхоналарда халқаро стандарт-ларга мувофиқ бўлган сифатни бош-қариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ юртимизда изчиллик билан жорий этилаётган халқаро сифат менеж-менти тизими маҳсулотлар ва курс-тилаётган хизматларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш им-конини бермоқда.

“Ўзстандарт” агентлиги корхона-ларнинг экспорт имкониятлари кен-гайишида аввало маҳсулот сифати-нинг юқорилигини таъминлаш мақ-сада мувофиқлиги ишбатта олиб, 9000 серияли ISO халқаро стандар-тларга асосланган сифат менежмент тизимини тадбир этишга катта эъ-тибор қаратмоқда. Ҳозирда мамла-катимиз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг 70 дан зиёд корхона, муассасаларида ISO 9001 халқаро стандартларни талаб-ларига мувофиқ сифатни бошқа-риш тизимлари жорий қилинди.

Мамлакатимизда ана шундай ти-зини асосида фаолият кўрсатаётган Андижон шаҳридаги лок-бўёк маҳ-сулотлари ишлаб чиқаришга ишти-роқлашган “Ўз-ДонгЖу Пэинг Ко” ёпиқ акциядорлик жамияти корхона

наси бу борада бир неча муваффақи-ятларни қўлга киритаётди.

Корхона дастлаб хорижлик иш-билармонлар учун яратилган ҳар томонлама қўлай инвестицион му-ҳит туфайли 1995 йили “Ўзавтоса-ноат” уюшмаси ва Жанубий Корей-нинг “Dongju Industrial CO LTD” компанияси ўртасидаги қелишувга асосан автомобиль бўёқларини иш-лаб чиқариш мақсадида ташкил этил-ган эди. Кейинчалик имкониятлар-дан унумли фойдаланган корхона раҳбарияти қурилиш саноати учун лок-бўёк маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

— 2003 йили маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида корхонамизда халқаро стандартларга асосланган ISO 9001:2000 сифат менежменти тизи-ми жорий қилинди, — дейди қўшма корхонанинг менежмент тизими бўйича махсус вакили Бобур Исрои-лов. — Ўша йили маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида экологияга сал-бий таъсирини қамайтириш ҳамда ходимлар касбий хавфсизлиги, са-

ломатлигини таъминлашга қаратил-ган тизимлар ўрнатилиб, шу орқали корхонада интеграллаштирилган менежмент тизими яратилди. Бу ишлаб чиқариш янада ривожлан-тириш билан бирга ташқи бозорда ҳам самарали фаолият юритиш им-конини туғдирмоқда.

Аини пайтда 214 киши меҳнат қилаётган корхонада 45 га яқин тур-даги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришмоқда. Аиникса, “Royal” мар-кали лок-бўёқларига нафақат Ўзе-бистонда, балки МДҲ ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида ҳам талаб тобора ортиб бораётди.

Йилга беш минг тоннадан зиёд-роқ лок-бўёк маҳсулоти ишлаб чиқари-лаётган “Ўз-ДонгЖу Пэинг Ко” қўшма корхонаси жорий йил якуни-га қадар бу кўрсаткичнинг 5,7 минг тоннага етказишни мақсад қилган.

Умид КАМОЛОВ,
“Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Республика саноат ва сертификат-лаш маркази бошқарма бошлиғи Акмал НАЗАРОВ,
журналист

«Ҳамшира-2006»

Йил ҳамшираси танланди

Сўнги йилларда юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, соҳа ходимлари малакасини оши-риш ҳамда уларнинг меҳнатини рағ-батлантириш борасида қўлаб тах-синга лойиқ ишлар амалга оширил-моқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили тиббиёт ҳамшираларининг қўриқ-танловини ўтказиш ҳам яхши аънава тусини олган.

Республика Соғлиқни сақлаш ва-

зирлиги, тиббиёт ходимлари касба уюшма марказий кўмитаси, «Қамол-от» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон миллий телера-диокомпанияси бу каби хайрли тад-бирларни ташкил этишда бош-қош бўлаётгани бежизга эмас. Зеро, хал-қимизнинг саломатлилик даражаси ҳамшираларнинг касб маҳоратию ижодий салоҳиятига боғлиқ. Шу са-бабдан ўрта тиббий ходимларининг иқтидорлиларини саралаб, уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш ва иш

шароитларини яхшилаб бориш ўта муҳим масаладир. Мазкур қўриқ-тан-ловни ўтказишдан қўзда тутилган асо-сий мақсад ҳам шундан иборат.

Яқинда «Ҳамшира-2006» қўриқ-танловининг якунловчи республика босқичи Олмалик шаҳрининг «Ме-таллург» санъат саройида бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг барча вилоятла-ридаги даволаш-профилактика му-ассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалардан саралаб олинган 14 на-фар ҳамшира иштирок этди. Таъ-кидлаш жоизки, касбий маҳоратию ҳушмуомаласи билан бир-бирдан қолишмайдиган қизларнинг ораси-дан энг муносибни танлаш ташкил-лотчилар учун жуда мушкул бўлган аниқ. Негизи ҳозиржавоб ва тоқир иштирокчилар ўз касбининг фидойи мутахассиси эканлиги танловдаги беш йўналишдаги шартларни бажаришда яққол намоён бўлди.

Муросасиз ўтган баҳслардан сўнг Юкориричиқ туман Марказий ши-фохонаси реанимация бўлими ҳам-шираси Ўғилжон Қосимова «Ҳамши-ра-2006» республика қўриқ-танло-вининг ғолиби деб топилди. Иккин-чи ва учинчи ўринлар наманганлик Ульяна Насриддинова ва Қорақал-поғистон Республикаси вакили Зе-лиха Нурмахановага насиб этди.

— Вилоятимиз шаънини шундай нуфузли танловда муносиб ҳимоя қила олганимдан гўят мамнунман, — дейди Ўғилжон. — Менга «Матиз» автомашинаси совга қилинганини бутун вилоятимиз тиббиёт ходимла-ри меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан.

Суратда: танлов ғолибаси Ўғил-жон Қосимова.

Саодат ЖАББОРОВА,
«Адолат» мухбири
Даврон АХМАД олган сурат.



Соҳта ароқфурушлар

Шаҳримизда спирити ичимликлар сотилишининг тартибга солиш бо-расида бир қанча ишлар амалга оши-рилмоқда. Ўтказилган текширувлар жараёнида қўлаб ҳуқуқбузар тад-биркорлар аниқланиб, уларга ис-батан қонун доирасида чора қўри-лмоқда. Масалан, Каттақўрғон шаҳар автошўхобек ёнидаги савдо рас-та-сида савдо қилаётган Акмал Бекна-заров фаолияти шаҳар солиқ ин-спекцияси ходимлари томонидан тек-ширилганда у қалбаки акция мар-калар билан елимланган 124 ишча ароқ, 20 донна вино маҳсулотларини аҳолига пуллаётганда “тумшугидан-илинди”. Иштихон туманида яшов-чи Лола Аҳмедованинг хатти-ҳара-катлари эса ҳаммасидан ошиб ўш-ди. Унинг ҳеч қандай сифат серти-фикати бўлмаган, қалбаки акция мар-ка елимланган 144 ишча ароқ маҳ-сулоти сотаётгани аниқланди. Бунга ўхшаш мисоллар минг афсуски уч-раб турибди.

Шундай экан нафақат назорат қилувчи органлар ходимлари, балки, ҳар бир фуқаро бу масалага жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилиш-да муайян даромад қиламан деган бу қуштирнок ичдаги тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди.

Дилшод ҚУЧКОРОВ,
Каттақўрғон шаҳар
Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Парламент сабоғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Кимлар Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутаты бўлиб сай-ланиши мумкин?

Сайлов қуни йигирма беш йилга тўтган ҳамда қамиди беш йил Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудиди муким яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Олий Мажлисидаги Қонунчилик палата-си депутаты бўлиши мумкин.

2. Кимлар Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутатлигига ном-зод этиб рўйхатга олинмайдими?

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловлар тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига биноан қўйиладилар.

содир этилган жинояти учун суд-ланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов қунига қадар сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудиди муким яшамаган фуқаролар.

маларнинг ходимлари;
диний ташкилотлар ва бирлаш-маларнинг профессионал хизматчи-лари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдими.

Юқоридигилар билан бирга қонунчиликда белгиланган бош-қа ҳолларда ҳам фуқаролар ном-зод этиб рўйхатга олинмаслиги мумкин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси фаолиятини ташкил этиш хан-дай тамойилларга асосланади?

Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасининг фаолияти масалаларни бир-галликда ва эркин муҳокама қилиш-га, ошқораликка, жамоатчилик фик-рини ҳисобга олиш тамойилларига асосланади.

Қонунчилик палатасининг иш-палата барча депутатларнинг про-фессинал, доимий фаолиятига асосланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ҳуқуқий асослари қўлланмасидан.)

Таълим фидойилари

Ҳурмат ва эҳтиром соҳибни

Устоз-ўқитувчилар ҳақида сўз кетса, аввало, уларнинг беминнат меҳнати, ўз касбига фидойилиги, маънавий етуқлигию болаларга нисбатан ғамхўрлиги ва ана бир қатор инсоний фазилатлари ҳақида гапирилади. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида: «Устоз отангдй ўғли» деган ибора бот-бот тилга олинади. Салкам 40 йилдан буён Бўстонлик тумани-нинг сўлим Қоробқ қишлоғидаги 17-мактабда ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган Тиллабой Шалимов ҳақида ҳам ана шундай илқ фикр-ларни билдириш жоиз.

1964 йили тумандаги 19-мактабни аъло ба-ҳоларга тугатган Тиллабой ўша йили Тошкент Давлат Педагогика университетининг тарих фа-култетига ўқишга кириб, 1969 йили муваффа-қиятлй битирди. Шу йили 17-мактабга ишга кир-ди. Ёш ўқитувчи ўзининг изланувчанлиги, зукко-лиги, ўқувчилар билан тез тил топиб кета оли-ши, мактабдан ва синфдан ташқари ишлардаги фаол иштироки билан тезда ўқитувчилар жамо-

асининг назарига түшди. Уни ўқув-тарбия ишла-ри бўйича директор ўринбосари лавозимига таъ-сия этишди.

Масъулиятли вазиофа юкланганини чин дил-дан қий қилган Тиллабой Шалимов эътиборини ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, ус-лубий бирлашмалар ишини замон талаблари да-ражасига қўтаришга, шунингдек фан тугаракла-ри фаолиятини тубдан ўзгаришиш ҳамда ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам беришга қаратди. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, мактаб туман фан олимпиадалари ва бошқа катор тадбирларда фаол иштирок этди. 1992-1994 йил-лар давомидида туманда ўтказилган «Йил ўқитув-чиси» танловида мактаб ўқитувчилари биринчи ўринни эгаллашди, вилоятда эса учинчи ўрин қўлга киритилди. Шу боис мактаб ўқитувчилар жамоаси ва туман халқ таълими бўлими тавсия-си билан 1993 йил август ойидан директор ла-возимига кўтарилди. Ҳозирги кунга қадар у шу лавозимда ишлаб келмоқда.

Давлат таълим стандартлари талаблари дара-жасида ўқувчиларга билим бериш бутунги кўн-нинг энг муҳим вазифаси саналади, — дейди ҳақрамонимиз. — Мактаб мулкчи кўз қорачи-дек сақлаш, уни келажак авлодга етказиш, ортин-гдан фақат яхши ном қолдириш, ўқувчиларга сидқидилдан билим ва қўнқималар бериш бутун-ги мактаб раҳбарининг энг асосий бурчларидан бири деб биламан.

Айтганча, Тиллабой муаллим билан суҳбат қил-ган киши ҳечам зерикмайди. Гоҳ тарихдан, гоҳ географиядан... Баъзида шеър, ғазал, латифаларни ҳам дундиради.

Бундай фидойи, қамтарин, ҳазилкаш инсонлар билан оиласи, фарзандлари, маҳалладошлари фаж-рланишади. Зеро, Тиллабой Шалимов сингари бутун умрини таълим соҳасига бағишлаган қал-бидарё устозлар ҳар қандай юксак ҳурмат-эҳти-ромга, мактов ва эъзозга лойиқдир.

Умид САТТОРОВ,
«Адолат» мухбири

Байрам сайли

Заминини, деҳқонини
улуғлаган юрт

Истиклол узликини англаш, қадимий урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш имконини берди. Зеро, буғун миллий байрам ва сайлларнинг кенг тантана қилинишида халқимизнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт йўлидаги кўп йиллик озу-интилишлари ўз ифодасини топти.

Утган ҳафта пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган энг қадимий тантаналаримиздан саналган "Меҳржон" байрам сайлида ҳам ана шундай кўтаринки кайфият, руҳий баркамоллик намоён бўлган асло мулоғат эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Тасвирий ойна" уюшмаси, Халқаро "Олтин мерос" ва "Маҳалла" хайрия жамғармалари, "Нуроний" ва "Меҳр-муруват ва саломатлик" жамғармалари, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур байрам сайлида таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намойендалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Исмоил Каримов ташаббуси билан Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз меросини тиклашга қатта аҳамият



қаратилаётгани ва бунинг замирида бугунги улғайиб келаётган ёш авлоднинг ўзлигини англаши ҳамда юртига, халқига муносиб ворис бўлиб етишиши каби улғу истаклар мужассам эканини таъкидлади.

Юртимизда азал-азалдан "Меҳржон" байрами саҳоватли замин, меҳнаткаш деҳқонни улуғлаш маъносига айнади. Ўшангиллик маъсуми кузда нишонланиб келинган. Бу ҳақда Шарқ донишмандлари ўз рисолаларида кўплаб маълумотлар

битган. Хусусан, Абу Райхон Бериунининг "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" номили нодир асаридида "Меҳржон" байрами Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқлари ҳаётида ҳам чуқур жой олгани баён қилинади. Аллома икки маъсум ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун билан туннинг икки марта тенг келишини ёдга солиди: Кўёш ва Ой фалакнинг икки қузи бўлганидек, "Наврўз" ва "Меҳржон" заминнинг икки қузи, деб ёзган Абу Райхон Бериуний.

"Меҳржон" кунларида ота-боболаримиз дала ва боғларга, узум ва қовун сайлларига чиққан. Қавм-қариндошлар бир-бирларини йўлаган, ночорларга эҳсонлар берилган. Қариялар ва болаларга совға-саломлар улашилган. Уй-жойлар, қабристонлар тартибга келтирилиб, обод қилинган.

Шунингдек, мазкур байрам асносида бозор ва сайлгоҳларда олтин куз наъматларининг савдоси ташкил этилган. Кун ва

туннинг бароварлиги барча инсонларнинг тенглиги маъносига қабул қилинган.

Бу йилги байрам сайлида "Ассалом, Меҳржон!" номили театрлаштирилган томоша, Республика Байналмилал маданият маркази қошидаги турли миллат маданий марказлари ҳамда Тошкент шаҳар маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоаларининг байрам дастурлари намоёйш қилинди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси, халқ амалий санъати ва ҳўнармандларнинг асарлари кўргазмаси ўтказилди. Олим ва санъат усталари билан ижодий учрашувлар, "Энг намунали оила" ҳамда энг ширин қовун, узум ва бошқа меваларнинг "Ширини" танловлари ташкил этилди. Шу кунни асқиячи ва қизиқчилар, ёш спортчиларнинг чиқишлари эса йилги танловларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Ўзгўл НАЗИРОВА,
журналист

Юртимиз шифо масканлари

Омонхона — саломатлик
ва тинчлик маскани

Воҳадаги минг йиллик чинорлар, сирли горлар, туз тоғлари, шифобахш масканлар асрлар оша кўнчиликини лоп қолдириб келган. Сурхоннинг виқорли тоғлари билан ўралган Бойсун туманидаги "Омонхона" маскани ана шундай сирли гўшалардан саналади. Мен ҳали бормаган, қадим ранжидида элманг жойларни кўриш, улғу алломалар зиёратгоҳларини зиёрат қилиш ниятида Қитоб туман халқ таълими бўлими томонидан уюштирилган саёҳат сафарига бир гуруҳ "Адолат" СДП аъзолари билан биргаликда йўл олдик.

Сафаримиз давомида Термизий, Султон Саодат, "Қирқиз" макбараларини зиёрат қилиб, тиловатлар қилдик. Сўнгра "Омонхона" томон йўл олдик. Маълум бўлишича, сурхон воҳасида жуда кўп саломатлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда даволаш унун йўлак бўйлаб турли масофаларда барча шароитларга эга оплита туз камералари (хоналар) мавжуд.

"Омонхона" сўхат масканида қандайдир бир сир борлигини сафар чоғимизда англаб етдик. Юзлаб зинаюлардан пастлик томон — "Елга-камар" деб аталадиган афсонавий кўрнншдаги маҳабатли қоялар қатрига йўл олар эканми, қандайдир ёқили шабда қоралимизга ҳўзур бағишлади. Омонхонанинг роставкага афсонавий, эрталоқма эканлиги яна бир бор амин бўлдик.

"Омонхона" атамаси ўзидан кўрннб турибдики, икки сўз бирикмасидан иборат. "Омон" — соғ, саломат, эсон, тинч, осойишта мазмунларини билдирса, "хона" сўзи жой, ўрин, манзил, макон, маскан каби тушунчаларни англатади. Омонхоналикларнинг таъкидлашича, бу жой саломатлик, тинчлик маскани экан. Ўша атрофдаги шифобахш бўлоқлар, тошлар, горлар, камарлар, сойлар, чўқилар ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турли ривоятлар, афсоналар маҳаллий аҳоли ўртасида машҳур.

Қадамжодан тўрт-беш метрлар чамаси пастроқда ўзининг хўсўсиятлари билан бошқаларидан ўстун турадиган машҳур бўлоқ бор. Уни Омонхона бўлоғи ҳам дейишади. Унинг пайдо бўлишида Ҳазрат Султон Валий Балогардонга нисбат беришади. Ривоят қилишларча, кўнларнинг бирда Ҳазрат Султон Валий Балогардоннинг ети ёшлардаги кенжа ўғли Қамари Азиз Ёшпакамар ичиди уйнаб юриб, кўп-маганда гоийб бўлибди. Муридлар роса кидиришибди, аммо топиша олмабди. Улар Султон Валий Балогардонга бориб бу ҳолини айтишибди. У киши эса бамайлнхотир ҳеч нарса бўлмагандек: "Қамари Азизнинг гоийб бўлиши менга азалдан маълум эди. Бориб кўринларчи, ўғлим гоийб бўлган жойдан бўлоқ оқиб чиқаётган бўлиши керак.


Аллоҳ Таоло менинг фарзандим шарафига инсониятга етмиш хил дардга даво бўладиган шифобахш бўлоқ суви инъом қилди. Қамари Азиз шу бўлоқ шарофати ила охирагача одамлар қалбиди яшайди", дебди. Муридлар бориб кўришса, ҳақиқатан ҳам тошлар орасидан янги бўлоқ қўз очиб, шарқираб оқаётган эмиш. Орадан кўп асрлар ўтибдики, бўлоқ ҳамон тинимсиз оқиб дардмандлар дардига шифо бериб келаяпти.

Ўшбу оромгоҳ илк бор 1994 йилда "Бойсун" қоракўлчилик жамоа ҳўжалиги базасида ташкил этилган. Омонхона бўлоғи Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-тежиррий институтида ўрганилганда, унинг суви таркибидида сульфат иони 71 мг/ЭВБ, магний иони 44 мг/ЭВБ, азот иони 80 мг/ЭВБ, РН-8,0 эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, бўлоқ сувининг таркибидида кремний, кўслотаси, темир, аломийи ва бошқа кўпмак микрорезементлар мавжуд бўлиб, сульфат ва магний ионлари меъриятдан бир неча баробар кўплиги унун юқори даражада ўт сурувчи, сийдик ҳайдовчи ҳамда қон сиймини тушириши хўсўсиятларига эга.

Хосият ЖАББОРОВА

Янги китоблар

Кичик дорилфунунлар ҳақида рисола



Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар кенг қўламда ҳаёт-

га таъдиқ қилинмоқда. Айниқса, таълим соҳасидаги янгиликлар ўзига хослиги, тадрижийлиги, мутлақо янги қарашларга асосланганлиги билан доврў қозонапти. Ана шундай янги қарашлар ва ислохотлар билан одимлаётган, аниқроғи, фаолият юритаётган лицей ва коллежлар бугун ёшларимизнинг сеvimли илм масканларидан бири бўлиб қолди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси Юртошимиз ташаббуси билан амалга оширилётган улғувор ишлар сирасига қиради. Жумладан, Президентимиз деган эдилар: "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шубҳасиз, жаҳондаги иқтисодиёт ва саноати ривожланган давлатлар каторига кириб боришимизнинг зарур шарти ва мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, у бир қудратли локомотив янгилик иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, янги ишчи ўрин-

лари яратиш, бир сўз билан айтганда барча қорхоналарни ривожлантириш ва тараққийот сари бошлашга қодирдир".

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Қасб-ҳўнар эгаси — юртнинг нури эртаси" номили 13 табоқдан зиед китоб (муаллифлари: Абдунаби Қаробоев, Рустамжон Шарипов) айнаи шу мавзуга йўналтирилган бўлиб, у билан танишган ҳар бир ўқувчи, ота-она, ёшлар, кенг жамоатчилик мамлакатимизнинг биргина Наманган вилоятига мустақиллик йилларида академик лицей, қасб-ҳўнар коллежлари ташкил этилиши тарихи, жамоалар фаолияти, битирувчиларини ибратли ишлари, илм муассасаларининг эртаси ҳақида кенг тушунчаларга эга бўлишади. Бир сўз билан айтганда, китоб — кичик дорилфунунлар ҳақида рисола бўлган.

Даврон БЕК

Ота уйи

Таниқли тележурналист Шавкат Азизовнинг "Зарқалам" нашриётида чоп этилган "Ота уйи" номи китобида ҳис-туйғу билан салимий ёзилган ҳикоялар, қатрлар жамланган. Уларда муаллиф болалиқнинг орзуларга тўла олами, фарзандни тарбиялаб қамолга етказган ота-она, маҳалла-қўй, умуман, ўзбек оиласининг қўвонч ва ташвишларини қаламга олади. Китобда меҳр-оқибат, аниқша ва муруватдек халқимизга азалдан ҳос бўлган юксак инсоний қасилатлар шарафланган.

Китобча ёзган муҳтасар сўзида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов таъкидлаганидек, Шавкат Азизовнинг ҳикояларида ҳаётний қўзатувлар бор, муаллиф уларни ўйлаб топмаган, балки ўзи кўрганларини ёзган. "Китобчада унутилаёган ва афсўски, унутила бошланган тоза туйғулар бор. Муаллиф ўз қалбидан ўтказган кечималарини қозғога туширган. Шу жиҳатдан, тўплам китобхонни қўлайд қолдирмади", деб ёзди У.Ҳошимов.

Қўида "Ота уйи" тўпلامидан жой олган икки қатрани эътиборингизга ҳавола этаёлимиз.

Ҳеч сезганмисиз, ўзингиз улғайган уй остонасидан ўтаётганда, беихтиёр ортингизга бир қараб қўйсиз. Шунда дилингизда қандайдир оғрик пайдо бўлиб, ўртаниб кетасиз. Оғир ҳўрсиниб, қайта-қайта ота уйингизга ўғрилиб қарайсиз. Нега шундай бўлади? Ўзингизнинг ҳам ҳашаматли уй-жойингиз бор, фарзандларингиз бағрингизда, бироқ бу ҳовлидан кеттигиз келмайди...

Акам янги уйга қўчиб ўтган бўлса ҳам негадир у ерда яшагиси келмасди. Шунинг учун ҳар сафар келганларида онамдан шу ҳовлида жуда бўлмаса, яна икки-ўч йил яшаб туришга отамни кўндириб беришларини сўраб, ҳудонинг зорини қилардилар. Келин-олимнинг ҳам янги қурилган уйга қўчилири йўқ эди. Янгамга эса, қўидаги келинларнинг ҳаваси келиб: "Қайтанга ҳўрсанд бўлмайсизми? Қайнота-қай-

нона қўш-қовогидан кўтилиб, ўзингизга хон, ўзингизга бек бўлиб маза қилиб яшамасизми?" дейишса: "гап унда эмас", деганлари деган эди: "Бўлмаса нимада?" дея хайрон бўлишганда, кенноийм.

— Мен келин бўлиб тушган шу уйга меҳр қўйганман, болаларим ҳам шу ерда тутилган, — деб қўзларига ёш олардилар.

Ушанда уларнинг аҳволини яхши англамаган эканман.

УЗАТИЛАЁТГАН ҚИЗ...

Эътибор бериб қўзатганмисиз, узатилаётган қизни никоҳ қуни уйдан қўёниқига кетаётганда отасининг елкасига бош қўйиб, унсиз йиғлаганини... Шунда унинг ёнида турган янгалар ҳам қўшилиб йиғлаб юборади. Ҳатто узок-яқинда, турган, бироқ бу ҳолатга қўзи тушган амакилар, тоғаларнинг ҳам мижжалари ёшга тўлади, юзини четга



бўриб, қўзларини олиб қочишади. Негаки, шу вақтда ота билан қиз бир-бири билан сўзсиз, нам бўлган кийриқлар, ёш тўла қўзлар орқали гаплашадилар. Негаки, шу кўнча бир маротаба бўлса ҳам отасига тик қаролманган қиз, шу онда падарига тик қарайдики, тилдан қолади, сўз ўрнига ду-ду-ёш тўкади. Ота шу дамда на қизининг сочини силаб, на бағрига босиб овута олади, чўнқи унинг ўзи ҳам юпанча мўҳтож.

Нимага тўйи бўлаётган қўлгў кунда шундай бўлади? Ахир, қизларнинг ўзга уйдан қўним топиши тақдир қилинган-ку! Аста-секин қатта ўтилар ҳам ўзига жой қилиб чиқиб кетадилар. Йиллар ўтиб, болалик, келин-қўйлик бўлсалар ҳам, ота уйига, болалиги ўтган уйга шошадилар. Нега? Чўнқи улар ўзлари учун эъ азиз-қўнларнинг ихтиёрсиз кечиб, қўлаб кетмоқдалар. Бу осонми ахир?

Табиат ва биз

Зарафшоннинг суви тиниқми?

Дарёлар ҳар икки томони ям-яшил қалин дарахтлари, бутазор қамишзорлари билан гўзал. Қирғоқ бўйлаб чўзилган кетган бундай мафтўнкор мазарлар қалбақларга заъв-шаъв ўла-иши шубҳасиз. Утмишда Зарафшон воҳасига сув ўлашиб, ризқ-рўз берган Зарафшон дарёси ҳам ана шундай гўзаллик қанф этган.

Илгари дарёнинг соҳиллари тўқайзор бўлиб, турли паррандалар ва ҳайвонлар макони бўлган. Утган асрнинг 50-60 йилларида тўқайзорлар ўзлаштирилиб, пахта, ползлотига мустақиллик йилларида академик лицей, қасб-ҳўнар коллежлари ташкил этилиши тарихи, жамоалар фаолияти, битирувчиларини ибратли ишлари, илм муассасаларининг эртаси ҳақида кенг тушунчаларга эга бўлишади. Бир сўз билан айтганда, китоб — кичик дорилфунунлар ҳақида рисола бўлган.

Дарё суви қўпайган пайтларда илдиригача қўприб олинган гўтазор, дарахтзорларидан, қамишзорларидан айрилган либоссиз қирғоқни сув осонгина юйиб янги ўзлаштирилган ерларга қўшиб, ҳўжалиқларнинг ўзлаштирилган чора-тадбирлару, тузилган режалар олдиди дарёдан бир томчидек гап. Соҳил бўйи минақаларда ўрмон плантациялари барпо этиш учун 2530,6 гектар ер ажратилиб қарамай, эндиқина 1492,2 гектари ёки 59 физий фойдаланишга берилган. Вилоят табияти муҳофиза қилиш қўмитаси ишчи жонлантириш мақсадида Зарафшон воҳасида экологик ва санитария илдиригача ҳолатини яхшилаш тўғрисида "ги, 2002 йил 26 августдаги "Самарқанд, Навоий, Бўҳоро вилоят-

ларида "Зарафшон" дарёсининг суви муҳофиза қилиш зонаси ва қирғоқ бўйи минақаларини белгилаш тўғрисида" ги қарорларидан кейин аҳвол анча ўзгарди. Самарқанд вилояти ҳудудиди Зарафшон дарёсининг суви муҳофиза қилиш зонаси 22 минг 343,3 гектар, қирғоқ бўйи минақасининг умумий ер майдони 2530 гектар қилиб белгиланди. 2002-2005 йиллар мобайнида вилоятда экологик ва санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, дарё суви яхшироқланганининг олдини олиш, дарё қирғоқларини мустақамлаш мақсадида йўқолиб кетган тўқайзорларга қайта ҳаёт бағишлаш, суви муҳофиза зоналарида ўрмон плантациялари барпо этиш учун ер ажратиб қабчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қирғоқ ҳудудларидан фойдаланиш ҳўқуқи фақат сув ҳўжалиғи тизими ташкилотларига берилди.

Саноат теракчилигини ривожлантириш ҳамда ўрмонлар барпо этиш мақсадида 8 та теракчиликка ихтисослашган ҳўжалиқлар ташкил этилди. Зарафшон Оқдарё, Қорадарё дарёлари қирғоқ бўйи минақалари ерларидан 1092 гектар майдонга ўрмонлар барпо этилди. Бир қарашда қилинаётган ишлар етарлидек кўринади. Аслида булар белгиланган чора-тадбирлару, тузилган режалар олдиди дарёдан бир томчидек гап. Соҳил бўйи минақаларда ўрмон плантациялари барпо этиш учун 2530,6 гектар ер ажратилиб қарамай, эндиқина 1492,2 гектари ёки 59 физий фойдаланишга берилган. Вилоят табияти муҳофиза қилиш қўмитаси ишчи жонлантириш мақсадида Зарафшон воҳасида экологик ва санитария илдиригача ҳолатини яхшилаш тўғрисида "ги, 2002 йил 26 августдаги "Самарқанд, Навоий, Бўҳоро вилоят-

йўлланган ёзма мурожаатлари эътиборсиз қолдириб келинмоқда.

Айрим қорхона, ташкилот ва ҳўжалиқлар томонидан қирғоқ муҳофиза минақасига ўзбошимчилик билан турли иншоотларни барпо этаётгани экологик вазиятнинг издан чиқишига сабаб бўлаяпти. Дарё соҳили муҳофиза доирасида ҳўжалиқлару бурдоқчилик қорхоналари, сўт-товар фермалари, ёрдамчи ҳўжалиқлар, авто-трактор саройи ва уларни таъмирлаш устаноналари, ёқили қўйиш шаҳбачалари, паррандачилик фермалари каби 305 та иншоот жойлашган экологик ҳолатни яхшилашга салбий таъсир қилапти. Вилоят табияти муҳофиза қилиш қўмитаси ҳодимлари томонидан Зарафшон дарёсини ифлослантирувчи 57 та иншоот аниқланиб, уларнинг 54 таси қўчирилди. Жума қўм қарьерига қарашли Зарафшон бўлими, Нарпай туманидаги 10-қиллоқ қўрилиш қорхонасининг шағал қарьери ва тошни майдалаш цехлари фаолияти тўхтатилди.

Сув ҳавзаларини ифлослантирган, ҳудуд тартибини бузганлардан тегишли тартибда жаримлар ундириляпти. Тушунтириш-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Аҳвол қийинчилик билан бўлсада ўнганаяпти. Аммо айрим муаммолар бори, улар қатта кўч ва маблаг талаб қилади. Туманлар ҳўжалиқларидаги зовурлардан келадиган, саноат қорхоналари ва хонадонлардан чиқарилган ифлос, зах ва захарли сувлар Зарафшон дарёсига қўшилиши ҳоллари ҳамон учраб турибди. Уларни тозалаш махсус технологияларни тақозо этади. Қўшимча сув тозалаш иншоотларини қўриш, мавжудларни қувватини ошириш талаб этилади.

Ислом ҲУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" муҳбири

Биласизми?

Суякдаги
тилсимот

Француз олимлари Болгариянинг шимоли-гарбиди жойлашган "Қозарник" горидан гаройиб ҳайвон суякларини топишди. Гаройиблиги шундаки, бу суякларга ҳар хил белгилар ўйиб қилинган. Археологларнинг таъкидлашича, бу топилама қадим аж-додларимизнинг сурат чизиб қўйилганга эга бўлганини исботлайди. Номазълум жониворга тегишли суякнинг бир бўлагиди бир қатор чизик, бошқа бўлагиди эса 27 та турли чизик мавжуд. Олимларнинг фикрича, чизиклар пичок билан кесилганлик белгиси эмас, балки қандайдир рамзлардир. 1,2-1,4 миллион йиллик ёшга эга бўлган суякдаги бу чизикларни Homo Erectus, яъни инсон қолдирган. Ҳозирча бу фикрга барча олимлар қўшилмаяпти.

Энг бой эртақ
қаҳрамонлари

Машҳур "Fobes" журнали энг бой эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари рўйхатини эълон қилди. Шунга қўра, Дисней студиясининг фахрий ҳодимларидан Микки Маус энг бадавлат деб топилади. У ҳақиқий сичқон бўлганида эди, ҳисоб рақамиди 5,8 миллиард (!) АҚШ доллариди бўларди. Иккинчи ўринни Александр Аллен Мильн томонидан ўйлаб топишган қувноқ гуруҳ — Винни-Пух, Пятагок ва Эшаквоилар эгаллашди; уларнинг умумий фойдаси Микки Маус сармоясидан атиги икки миллионга кам. Кейинги ўринларни китоб қаҳрамонлари — Гарри Поттер ва Хродо Белгисиз эгаллаган. Охириги ўринларда эса ўрғумча-одам ва Пичеку Покемони турибди.

Шовқинсиз
самолёт

10-20 йилдан сўнг шовқинсиз авиалайнерлар ишлаб чиқарилиши мумкин. "Cambridge-MIT Institute" инглиз-америка компанияси мутахассислари ана шу ишга қўл уришган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай самолётларнинг учиш ва қўниш пайтидаги шовқини шаҳар шовқинига нисбатан пастроқ бўлади. Бундай самолётларнинг ихтиро этилиши эса аэропортлари шаҳар ҳўчилиғи жойлаштириш ёки аэропорт ҳудудиди турар жойлар қўриш имконини беради.

Питрога УРОЛОВА

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши Тўйлоқ туман Кенгаши Биринчи котиби Соли Ражабова аниқлиқ.
Фотиима ЭТАМБЕРДИЕВанинг вафот этганини муносабати билан кўчур таъзия билдиради.

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали КЎЗИЕВ,
Турсунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманил АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Тальят МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14
Факс —
133-40-86
Котибият —
136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
136-55-64
Хатлар бўлими —
136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —
136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Б.Ботиров
Навбатчи —
Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи —
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан қўчириб
босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга
оширилади.
t — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1100
Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума
кўнлари чиқади